

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ПЕДИАТРИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ХАЙДАРОВА МУХТАБАР МАННАПОВНА

**БОЛАЛАРДА БРОНХИАЛ ОБСТРУКЦИЯ СИНДРОМИ БИЛАН
КЕЧУВЧИ НАФАС ОЛИШ АЪЗОЛАРИНИНГ ЎТКИР
КАСАЛЛИКЛАРИНИ ДАВОЛАШ, РЕАБИЛИТАЦИЯ ВА
ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ ПАТОГЕНЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации
Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Хайдарова Мухтабар Маннаповна

Болаларда бронхиал обструкция синдроми билан кечувчи нафас олиш
аъзоларининг ўткир касалликларини даволаш, реабилитация ва про-
филактикасининг патогенетик хусусиятлари 3

Хайдарова Мухтабар Маннаповна

Патогенетические особенности лечения, реабилитации и профилак-
тики острых заболеваний органов дыхания у детей, сопровождающихся
синдромом бронхиальной обструкции 31

Khaydarova Mukhtabar Mannapovna

Pathogenetic aspects of treatment, rehabilitation and prevention of acute
respiratory diseases in children, accompanied by a syndrome bronchial
obstruction 59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 64

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ПЕДИАТРИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ХАЙДАРОВА МУХТАБАР МАННАПОВНА

**БОЛАЛАРДА БРОНХИАЛ ОБСТРУКЦИЯ СИНДРОМИ БИЛАН
КЕЧУВЧИ НАФАС ОЛИШ АЪЗОЛАРИНИНГ ЎТКИР
КАСАЛЛИКЛАРИНИ ДАВОЛАШ, РЕАБИЛИТАЦИЯ ВА
ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ ПАТОГЕНЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Tib71 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tashpmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим тармоғида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Шамсиев Фурқат Мухитдинович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шамсиев Фазлиддин Сайфутдинович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Бобомуратов Турдикул Акрамович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Камалов Зайнитдин Сайфутдинович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: +99871-262-33-14; e-mail: mail@tashpmi.uz. Тошкент педиатрия тиббиёт институти мажлислар зали).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй.Тел./факс: +99871-262-33-14.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2018 йил _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси)

А.В. Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Э.А. Шамансурова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.И. Ахмедова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (Докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра юқори нафас йўллари касалликлари болаларда учрайдиган касалликлар орасида етакчи ўринни эгаллайди. Беморларнинг ёши ҳамда фасллар алмашинувига кўра тиббий ёрдамга мурожаат қилганларнинг 70–90% ини ушбу касалликлар ташкил этади¹. Сўнгги йилларда жаҳонда бронхиал обструкция (БО) билан кечувчи касалликлар сони ўсганлиги кузатилмоқда. Олти ёшгача бўлган болаларнинг ҳар тўртинчисида бронхлар обструкцияси кузатилиб, уларнинг ярмидан кўпини ушбу ҳолат такрорланиб туришига мойиллиги аниқланган. Турли маълумотларга кўра 3 ойликдан 3 ёшгача бўлган болаларда бронхлар обструкцияси билан кечувчи ўткир бронхит 5% дан 40% гачани ташкил этади. Оилавий анамнезда аллергияга мойиллиги юқори бўлган беморлар 30–40% ҳолатда тез-тез касалланадилар, шунингдек, ушбу ҳолат бир йилда 6 мартадан кўпроқ респиратор касалликлар билан оғрийдиган болаларга хосдир. Хорижий муаллифлар маълумотларига кўра 15% дан 50% гача бўлган ҳолатда БО бронх-ўпка патологиялари фонида ўзгариб туради². Маҳаллий муаллифлар томонидан аниқланишича, БО зотилжам фонида – 67,2%, бронхитлар фонида – 24%, ЎРИ фонида – 13,6% ҳолатда ривожланади³. Шунинг учун БО амалий педиатрияда ечими топилиши талаб этиладиган жиддий муаммолардан бири ҳисобланади.

Жаҳон миқёсида, болалар касалликлари, жумладан бронхиал обструкция синдроми билан кечувчи нафас олиш аъзоларининг ўткир касалликлари, клиник жиҳатдан оғир кечиши ва беморлар ҳаёт сифатини пасайиши муҳим тиббий ва ижтимоий муаммоларидан бирига айланди. Бронхиал обструкция синдроми турли касалликларда намоён бўлиши, айниқса кичик ёшдаги болалар орасида учраши ва патогенетик асосланган даволаш усулларининг камлиги муаммонинг долзарблигини белгилайди. Болаларда бронхиал обструкция билан кечувчи бронх-ўпка патологиясини даволаш, реабилитация ва профилактикасининг патогенетик асосланган дифференциал даволаш усулларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга қаратилган даволаш тизимини яратиш кабилар алоҳида аҳамият касб этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда болалар орасида соматик касалликларни эрта ташхислаш ва асоратларини камайтиришга қаратилган кенг қамровли дастурий тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишини кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган

¹World Health Organization. World Health Statistics 2006. – Geneva: World Health Organization, 2006. <http://www.who.int/healthinfo/statistics>.

²Давиденко Е.В. Прогнозирование развития бронхиальной астмы у детей, перенесших в раннем возрасте острый обструктивный бронхит. // Медицина. Фармация, 2014. №4 (175). С. 89–91.

³Ахмедова Д.И. с соавт. Факторы риска развития синдрома бронхиальной обструкции у детей раннего возраста // Педиатрия, 2000. №2–3. – С. 52–53.

ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада кенгроқ амалга ошириш» вазифалари белгиланган. Бундан келиб чиққан холда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш, болаларда бронхиал обструкция синдроми билан кечувчи нафас олиш аъзоларининг ўткир касалликларини олдини олиш, айниқса кичик ёшдаги болаларда кузатиладиган асоратларни камайтириш алоҳида аҳамият касб этади⁴. Айниқса, ўсувчи организмнинг атроф-муҳитнинг салбий омилларга қаршилиқ даражасининг пасайиши, бронхиал обструкция синдроми билан кечувчи нафас олиш аъзоларининг ўткир касалликларини даволаш, реабилитация ва профилактикасининг патогенетик хусусиятларини амалиётга тадбиқ этиш бўйича соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 ноябрдаги ПҚ–2650-сон Қарори билан тасдиқланган «2016–2020 йилларда Ўзбекистонда оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ва 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон Қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи⁵.

Болаларда бронхиал обструкция синдроми билан бирга кечувчи нафас аъзоларининг ўткир касалликларини даволаш, реабилитация ва профилактика қилиш натижалари самарадорлигини оширишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, University of Washington, University of North Carolina, University Chicago, Wayne State University (АҚШ); Capital Medical University (Хитой); University of Bari (Италия); University Würzburg (Германия); University of Berne (Швецария); University Saskatchewan (Канада); University Hospital of Leipzig, Klinikum Bremen Nord (Германия); European

⁴2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси.

⁵<https://www.indeed.com/>; <https://www.indeed.com/>; <http://www.incathlab.com/>; <http://www.gesundheitnord.de/krankenhaeuserundzentren/kbn.html>; <http://www.europeanurology.com/>; <http://www.hotcourses.ru>; [http://www.hotcourses.ru](http://www.tip.hacettepe); <http://www.orgpage.ru/sankt-peterburg/sankt-peterburgskaya-759133;.html> <http://www.pediatria.kz/>

Georges-Pompidou (Франция); University of Groningen (Нидерландия), Indiana University School of Medicine (Ҳиндистон); Research Institute (Польша); Hacettepe University Faculty of Medicine (Туркия); Россия давлат тиббиёт университети, Санкт-Петербург давлат тиббиёт академияси (Россия); Қозоғистон педиатрия ва болалар хирургияси илмий маркази (Олма-Ота), Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Болаларда бронхиал обструкция синдроми билан бирга кечувчи нафас аъзоларининг ўткир касалликларини даволаш, реабилитация ва профилактикасини таъминлашга қаратилган, жумладан, қатор илмий натижалар олинган: болаларда ичак паразитлар билан касалланганда бронхообструктив синдромда спирометрик кўрсаткичларнинг пасайиши асосланган Capital Medical University (Хитой); чап ўпка артериясининг стентлашда гипопластик чап юрак синдромида бронхиал сиқилиш ножўя таъсири исботланган Research Institute (Польша); кимёвий терапия натижасида нафас олиш йўллариининг обструкцияси, нафаснинг сиқилишиги ва бронхларнинг агранулоцитоз белгиларининг ривожланиши исботланган (Туркия); нафас клапанларининг етишмовчилигида нафас йўллариини компрессиясини енгилаштириш мақсадида Маневр Lecompte веноз дренажлардан фойдаланиш тартиби исботланган (Университети Калифорния); болаларда ўткир респиратор дистрес-синдромининг патофизиологик даволаш механизми ишлаб чиқилган (Wayne State University (АҚШ); CD3⁺-, CD4⁺-, CD8⁺-, CD16⁺- лимфоцитлар, нейтрофиллар фагоцитар фаоллиги, яллиғланиш олди ва яллиғланишга қарши цитокинлар ишлаб чиқарилишининг кучайиши, цитокин профили ва IgE номуноносиблиги бузилиши исботланган University Hospital of Leipzig, Klinikum Bremen Nord (Германия); болаларда бронхиал обструкция синдроми билан кечувчи нафас олиш аъзоларининг ўткир касалликларини даволаш, реабилитация ва профилактикасининг патогенетик хусусиятларини такомиллаштириш Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий амалий маркази (Ўзбекистон).

Дунё миқёсида бронхлар обструкцияси билан кечувчи бронх-ўпка касалликларини ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги йўналишлар асосида тадқиқотлар олиб борилмоқда: бронх-ўпка патологиясини эрта ташхислаш тизимини ишлаб чиқиш; нафас олиш тизими касалликларида клиник-биокимёвий, иммунологик кўрсаткичларни комплекс баҳолаш ва улар орқали реабилитация ва профилактик тадбирларни ишлаб чиқиш; бронхиал обструкцияни шаклланишида мойиллик омиллари, кальций алмашинуви, кальцийни тартибга солувчи гормонлар ва лимфоцитлар мембранасининг таркибий-функционал ҳолати, иммунологик қўзғалишлар характерини асослаш; бронхиал обструкция билан кечувчи бронх-ўпка патологияларининг патогенетик асосланган дифференциал даволаш ва реабилитация усулларини такомиллаштириш. Соҳани мукамал ривожлантириш борасида бронхообструктив синдром билан кечувчи бронх-ўпка касалликларини дифференциал ташхислаш, патогенезини изоҳлаш ҳамда самарали даволашни амалга оширишда ягона ёндашувларни, болалар

орасида касалликни клиник-биокимёвий, иммунологик ва психологик жиҳатларини комплекс таҳлил қилиш орқали реабилитация ва профилактика чора-тадбирларини, кальций алмашинуви, кальцийни тартибга солувчи гормонлар ва лимфоцитлар мембранасининг таркибий-функционал ҳолатини таҳлил қилиш, болаларда иммунологик кўзғалишлар характери, вегетатив гомеостаз, бронх-ўпка патологияларида бронхиал обструкция шаклланиш хусусиятлари ҳамда мойиллик омилларини таъсир механизмини ишлаб чиқишдан иборат. Касалликни ташхислаш ва даволашда информатив иммунитет кўрсаткичларини таҳлил қилиш, уларнинг кальций алмашинуви ва липидларнинг перекисли оксидланиши билан ўзаро боғлиқлигини асослаш зарур.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳонда амалга оширилган тадқиқотлар натижасида кўплаб ютуқлар қўлга киритилган бўлса-да, БО билан бўлган БЎПнинг айрим жиҳатларини даволаш бўйича кўпгина саволлар ҳануз ечимини топмаган. Муаммонинг бундай кенг тарқалганлиги касаллик диагностикаси, этиологиясини изоҳлаш ва патогенезига қараб даволашда ягона ёндашувнинг йўқлиги билан боғлиқ (Мизерницкий Ю.Л., 2008, 2014; Самаль Т.Н., Москаленко Т.В., 2013). Ўткир обструктив бронхит (ЎОБ), бронхиал обструкцияли қайталанувчан бронхит (БОҚБ), БО билан кечувчи шифохонадан ташқари пневмония (ШТП) каби турли нозологияларда БО шаклланиш механизмлари ҳақидаги тасавурларни аниқлаштириш ва тизимлаштиришни талаб этилади (Мизерницкий Ю.Л., 2010, 2014). Маълумки, ўпка тўқимаси зарарланиши патогенезида хужайра мембрана тузилиши бузилиши асосий ўрин ўйнайди (Овсянникова Е.М., ва бошқ., 2010; Балаболкин И.И. ва бошқ., 2014). Аниқланишича, хужайра мембраналари ўз таркибида фосфолипидлар сақлайди ҳамда мембрана ўтказувчанлиги механизми ҳамда айрим ферментлар фаоллиги мазкур фосфолипидларнинг ҳолатига боғлиқ. Шунинг учун БО билан БЎПда беморларнинг лимфоцит мембранаси структурасининг силжиши алоҳида қизиқиш уйғотади (Бобомуратов Т.А., Балаболкин И.И., 2005; Герасимова Н.Г. ва бошқ., 2013).

Хорижий ва маҳаллий муаллифлар томонидан БО билан бронх-ўпка патологияси патогенезида иммунологик механизмларнинг бузилишини ўрганиш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилган (Ахмедова Д.И. ва бошқ., 2005; Апсаматова Н.М. 2016; Krishnan S. Craven M. Welliver R.C. et al. 2003). Организм иммун тизимининг етишмовчилиги бир томондан, организм иммун тизимини блокировкалашга олиб келувчи вирус ва бактерияларнинг патоген ва физик-биологик хусусиятлари бошқа томондан БЎПда жараённинг кечиш характери ва оқибатининг олдиндан белгиланишини таъминлайди. Касаллик ривожланишининг иммунологик механизмларини ўрганиш патологик жараённинг қонуниятларини аниқлаш, касалликнинг кечиши ва оқибатларини асослаш, ташхислаш ва даволашнинг янги усулларини ишлаб чиқиш имконини беради. Эмоционал-вегетатив таъсирланиш муаммоси бўйича адабиётлар маълумотлари аксарият ҳолларда тасвирий характерга эга ва вегетатив бузилишларнинг клиник семиологияси чегарасидан ташқарига чиқмайди (Ильницкий Р.И., 2005; Дракина С.А., Перевощикова Н.К., 2012).

БО кўринишлари билан кечувчи БЎПни ташхислаш, касаллик ривожланишининг юқори хавфи мавжуд болалар гуруҳларини аниқлаш йўли билан уларнинг оқибатларини башоратлаш имконини берувчи илмий-тадқиқотлар долзарб ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази илмий-тадқиқот ишлари режасининг ДИТД 1.4.3. «Кичик ёшдаги болалар нафас олиш аъзолари касалликларида бронхлар обструкцияси синдромини даволашнинг клиник-патогенетик асосланиши» лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади болаларда бронхиал обструкция синдроми билан кечувчи нафас олиш аъзоларининг ўткир касалликларини даволаш, реабилитация ва профилактикасининг патогенетик хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

болаларда бронх-ўпка патологияларида бронхиал обструкция шаклланиш хусусиятлари ҳамда мойиллик омилларини аниқлаш;

болаларда бронх-ўпка патологияларида бронхиал обструкция ривожланишида кальций алмашинуви, кальцийни тартибга солувчи гормонлар ва хужайра мембранаси таркибий-функционал ҳолатининг патогенетик аҳамиятини аниқлаш;

кўпроқ информатив иммунитет кўрсаткичларини аниқлаш, уларнинг кальций алмашинуви ва липидларнинг перекисли оксидланиши билан ўзаро боғлиқлигини аниқлаш орқали беморларда бронхиал обструкция билан бронх-ўпка патологиялари иммунологик силжишлари характерини баҳолаш;

вегетатив гомеостазни ўрганиш орқали БО билан кечувчи БЎПда болаларнинг мослашув имкониятларини аниқлаш;

БО билан БЎПда болалар психологик ҳолатининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

бронхиал обструкция билан кечувчи бронх-ўпка патологиясини даволаш, реабилитация ва профилактикасининг патогенетик асосланган дифференциал даволаш усулларини ишлаб чиқиш ва тавсия этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида бир ёшдан етти ёшгача бўлган 371 нафар бронх-ўпка патологиясида учрайдиган бронхлар обструкцияси билан РИПИАТМининг пульмонология бўлимида даволанган болалар олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб биокимёвий ва иммунологик изланишларда қон ва қон зардоби, вегетатив ҳолат ўрганилганда кардиоин-тервалографик изланиш материаллари таҳлил қилинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларини амалга оширишда умумклиник, биокимёвий, иммунологик, психологик, кардиоинтервалографик ва статистик усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кальций ва кальцийни тартибга солувчи гормонлар алмашинуви, қон зардобдаги лимфоцитлар мембранаси структур-функционал ҳолатининг

бузилиши, бронх-ўпка патологияли беморларда кўп ҳолларда бронхиал обструкция кучайишига кўмаклашган ҳолда патологик жараёнлар динамикасига таъсир этувчи ушбу ўзгаришларнинг боғлиқлиги исботланган;

болаларда ирсий мойиллик, оғирлашган преморбид фон, онанинг ҳомиладорлик ва лактация давридаги нотўғри овқатланиши, бола овқатланишининг бузилиши, болаларда бронх-ўпка патологиясида бронхиал обструкция ривожланишининг хавф омиллари эканлиги асосланган;

бронхиал обструкция билан кечувчи бронх-ўпка патологияли болаларда CD3⁺-, CD4⁺-, CD8⁺-, CD16⁺- лимфоцитлар, нейтрофиллар фагоцитар фаоллигининг камайиши, CD20⁺- лимфоцитларнинг кўпайиши, гуморал бўғин фаоллашуви, яллиғланиш олди ва яллиғланишга қарши цитокинлар ишлаб чиқарилишининг кучайиши, ҳамда обструкциянинг қайталанган ҳолатлари ривожланишида цитокин профили ва IgE номуносивлигининг ўрни асосланган;

бронх-ўпка патологиясидаги бронхиал обструкция билан касалланган беморларнинг вегетатив сезувчанлигининг гиперсимпатикотоник, асимпатикотоник турлари исботланган;

боланинг психологик ҳолати, унинг патологик жараён клиник кечишига таъсири бронх-ўпка патологиясида қайталаниш ҳолатлари шаклланишида отанинг болага нисбатан муносабатининг ўрни ва аҳамияти асосланган;

илк бор мембранастабиллизаторлар, иммуномодуляторлар, вегетотроп препаратлар ва коррекциялашнинг психологик методларини киритиш билан аниқланган бузилишларни самарали тузатиш имконини берувчи бронхиал обструкция билан кечувчи бронх-ўпка патологияларини даволаш, реабилитация ва профилактикасининг дифференциал асосланган тизими ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

болаларда бронх-ўпка патологияларида бронхлар обструкцияси шаклланиш хавф омиллари аниқланган, иммунологик, биокимёвий, кардиоинтервалографик ўзгаришларни коррекциялаш ҳамда ташхислашнинг усуллари таклиф қилинган;

бронх-ўпка патологиясида бронхиал обструкцияни рекуррент кечишини профилактикаси ва реабилитацияси учун ўз вақтида аниқланган ўзгаришларни тўғрилаш ва ота-оналарнинг болага муносабатини яхшилаш имконини берувчи болалар ва уларнинг ота-оналарининг психологик ҳолатини баҳолаш усуллари таклиф этилган;

болаларда бронх-ўпка патологиясида қайталаниш ҳолатларининг ривожланишидан огоҳлантириш учун клиник-лаборатор кўрсаткичлар ва уларнинг вегетатив реактивлиги хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда вегетотроп препаратлар, иммункорригирловчи воситалар, мембрано-стабилизаторлар ва коррекциялашнинг психологик усуллари кўшиб даволашнинг дифференциал схемалари асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, клиник, биокимёвий, иммунологик, психологик, кардиоинтервалографик текширув усуллари асосланганлиги, барча рақамли маълумотлар замонавий компютер технологияларини қўллаб ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий

тадқиқотлар билан таққос-ланганлиги билан асосланган. Статистик усулларнинг қўлланилиши олинган натижаларнинг ишончлилигини таъминлаган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, кальций ва кальцийни тартибга солувчи гормонлар алмашинуви ҳолати, мембрана лимфоцитларининг структур-функционал ҳолати, компенсатор-адаптацион механизмлар, иммун ва психологик ҳолатларни баҳолаш йўли билан болаларда бронх-ўпка патологияларида бронхиал обструкция ривожланишининг патогенетик механизмларини ёритиш тўғрисидаги назарий ва амалий билимларни такомиллаштиришга хизмат қилади. Олинган клиник натижалар амалий тиббиёт учун бронхиал обструкция қайталаниш хавфи критерияларини асослайди. Таклиф этилган бронх-ўпка патологиясида бронхиал обструкция қайталаниш ҳолатлари кузатилган болаларнинг психологик ҳолатини баҳолаш усуллари аниқланган ўзгаришларни коррекциялаш ҳамда ота-она ва бола муносабатини яхшилаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, патогенетик ёндашувлар ишлаб чиқилди ва мембраностабилизаторлар, вегетотроп ва иммункорригирловчи препаратлар, шунингдек, коррекциялашнинг психологик усулларида фойдаланиш орқали болаларда бронхиал обструкция билан кечувчи бронх-ўпка патологиясида дифференциал даволаш схемалари таклиф этилди. Бронхиал обструкция билан кечувчи бронх-ўпка патологиялари бўлган беморларни комплекс даволашда кордафен, бронхомунал П, рибомунил, валериана экстракти, балиқ мойи, алвитилни қўллаш даволаш самарадорлигини оширади, касалликнинг қайталаниши олдини олишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Болаларда бронхиал обструкция синдроми билан кечувчи нафас олиш аъзоларининг ўткир касалликларини даволаш, реабилитация ва профилактикасининг патогенетик хусусиятларини ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Ўткир зотилжам билан тез-тез касал бўладиган болаларни даволашга замонавий ёндашув» услубий тавсиянома ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2010 йил 22 сентябрь №8м/151-сон маълумотномаси). Ушбу услубий тавсиянома иммунологик кўрсаткичларнинг яхшиланишига ва касалликни такрорланишини камайишига ёрдам берган;

«Болаларда қайталанувчи обструктив бронхитни даволашга замонавий ёндашув» услубий тавсиянома ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2012 йил 13 январдаги №8ш/15-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома болаларда бронхиал обструкция билан кечувчи бронх-ўпка патологиясини даволаш тизимида анъанавий усулга нисбатан касалликнинг такрорланишини 45% дан 13% гача камайтириш имконини берган;

«Бронхиал обструкциянинг кўп учровчи ўткир респиратор инфекцияларида болаларни реабилитация қилиш ва диспансер кузатуви қодалари» услубий тавсиянома ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 2 мартдаги №8н-д/11-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома болалар орасида ўткир респиратор инфекцияларни диспансер кузатувини ташкиллаштириш мезонлари ва касалликни даволаш ва реабилитация ишларини самарали даволаш имконини берган;

болаларда бронхиал обструкция синдроми билан кечувчи нафас олиш аъзоларининг ўткир касалликларини даволаш, реабилитация ва профилактикасининг патогенетик хусусиятларини инобатга олиб ташкиллаштирилган даволаш усули соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий амалий марказининг пульмонология ва аллергология бўлимларига, Тошкент шаҳар Олмазор туманидаги 9 ва 34-оилавий поликлиникаларига, Тошкент ва Жиззах вилоятларидаги кўп тармоқли болалар тиббиёт марказларининг клиник амалиётига тадбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 14 мартдаги №8н-з/34-сонли хулосаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида касалликни ўз вақтида аниқлаш, даволаш, профилактика сифатини ошириш, бронхиал обструкцияни қайталанишини икки баробар камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 45 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 10 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган. 1 та ихтиро учун патент олинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Болаларда бронхиал обструкция синдроми билан кечувчи нафас аъзоларининг ўткир касалликлари муаммосининг замонавий қирралари**» деб номланган биринчи бобида мавзуга оид маҳаллий ва хорижий адабиётларнинг батафсил баёни ҳамда тадқиқот натижалари келтирилган. Шунингдек, нашрлардаги болаларда бронхиал обструкция ҳақидаги замонавий тасаввурлар, мембранодестабилизирловчи ва иммунологик механизмлар аҳамияти, вегетатив нерв тизимининг ҳолати, психологик мақоми ҳамда болаларда бронхиал обструкция билан бронх-ўпка патологиясини даволаш усуллари шарҳи берилган.

Диссертациянинг «**Болаларда бронхиал обструкция синдроми билан кечувчи нафас аъзоларининг ўткир касалликларини ташхислашда,**

даволашда клиник материал ва тадқиқот усуллари» деб номланган иккинчи бобида 1 ёшдан 7 ёшгача бўлган 371 нафар, шундан 110 нафари – ЎОБ билан, 50 нафари – бронхиал обструкцияли қайталанувчан бронхит (БОҚБ) билан, 211 нафари БО билан шифохонадан ташқари пневмонияли ва 20 нафари амалий соғлом болаларнинг тавсифи келтирилган.

Ташхислаш XVIII Милий Конгресснинг (2009) нафас олиш аъзолари касалликларига бағишланган махсус кенгашида қабул қилинган болаларда бронх-ўпка касалликлари асосий клиник шакллари таснифига асосан амалга оширилган.

Тадқиқотнинг биокимёвий усуллари ўз ичига «Screen Master Plus» биокимёвий ярим автомат анализаторида қоннинг липид спектрини ҳамда қон зардобидаги умумий кальций концентрациясини аниқлашни қамраб олади. Қондаги ионизирланган кальций «Easy Stat» (АҚШ) анализаторида аниқланган. Қон зардобидаги тиреокальцитонин ва паратгормон концентрацияси иммунофермент усули ёрдамида аниқланган. Дефибринирланган қондан лимфоцитларни ажратиш А.Войум (1974)га асосан фиколл-урографин градиенти қалинлигида седиментация усули ёрдамида амалга оширилган; лимфоцитлар суспензиясида В.Б.Гаврилов ва М.И.Мишкорудной (1983)га асосан диен конъюгатлар даражаси аниқланган; малон диалдегиди (МДА) даражаси И.Д.Стальной ва Т.Г.Гаришвили (1977) га асосан тиобарбитур кислота реакцияси билан аниқланган.

Болаларнинг иммунитет тизими тадқиқи ўз ичига Т-лимфоцитлар ($CD3^+$) умумий кўрсаткичи, В-лимфоцитлар ($CD20^+$), субпопуляциялар: иммунология ИТИ (Россия, Москва)да ишлаб чиқилган антилимфоцитар антитаналардан фойдаланилган ҳолда Т-хелперлар ($CD4^+$), Т-супрессорлар ($CD8^+$) ва табиий киллерлар ($CD16^+$) аниқлашни қамраб олган; зардоб иммуноглобулинлар А, М, G асосий синфи даражаси G.Manchini et al. (1965) бўйича аниқланган. Нейтрофиллар фагоцитар фаоллиги Р.В.Петров (1998)га асосан текширилган. Қон зардобидаги Е иммуноглобулин, интерлейкин – 1β (ИЛ– 1β) ва интерлейкин – 4 (ИЛ–4) иммунофермент таҳлил усулида аниқланди.

Вегетатив нерв тизими (ВНТ)ни ўрганиш. Вегетатив дисфункцияни аниқлаш учун А.М.Вейн (1991) таклиф этган жадвалдан фойдаланилди: ВНТнинг симпатик ва парасимпатик бўлимлари фаоллигини ифодаловчи мезонлар сифатида 20 та белги олинди.

ВНТни ўрганиш учун дастлабки вегетатив тонус (ДВТ) ва вегетатив реактивлик (ВР)ни ҳисоблаш билан кардиоинтервалографик (КИГ) усулдан фойдаланилди. КИГ мослашув-компенсатор реакцияларни баҳолашнинг носпецифик усули ҳисобланади. Беморларни текширишда А.М.Вейн ва ҳаммуаллифлар (1998) томонидан таклиф этилган қоидаларга амал қилинди.

Тадқиқотнинг психологик усуллари. Психологик ҳолатни ўрганишда қуйидаги усуллардан фойдаланилди: суҳбат, кузатув, ота-она муносабати тест-сўрови (А.Я.Варга, В.В.Столина, 1988), «Уй–дарахт–одам», «Оиланинг кинетик расми» расм-тестлар (1989).

Ўзбекистон Миллий университети параллел компютер технологиялари кафедрасида ф-м.ф.д. Н.А.Игнатъев билан ҳамкорликда «Сунъий нейрон тўрлари» технологияси ёрдамида БО билан БЎП модели ишлаб чиқилди ва

олинган маълумотларга статистик ишлов берилди. «Нейрон тўрлари» кетма-кет таҳлил усулининг асосий тамойили икки ҳолатдаги симптомларни тақсимланиши эҳтимолини таққослаш, белгиларнинг дифференциал-ташхисий ахборийлигини аниқлаш ва ташхис жадвалини тузишдан иборат.

Диссертациянинг «**Бронхиал обструкция билан кечувчи бронх-ўпка патологияли беморларнинг клиник-лаборатор тадқиқоти натижалари**» деб номланган учинчи бобида ўтказилган тадқиқот натижалари таҳлил қилинган. Текширилган болалар касаллик турига кўра 3 гуруҳга ажратилган. БО билан БЎП бўлган кузатилаётган беморлар орасида барча ҳолатларда қиз болаларга нисбатан ўғил болалар сони юқори бўлган. ЎОБ бўлган 110 нафар бемор болалардан 67 нафари (60,9%) ўғил, 43 нафари (39,1%) қиз болалар; БО намоён бўлиши ва ШТП бўлган 211 нафар боладан 148 нафари (70,1%) ўғил ва 63 нафари (29,9%) қиз болалар; бронхиал обструкцияли қайталанувчан бронхит (БОҚБ) бўлган 50 нафар бемордан 35 нафари (70%) ўғил ва 15 нафари (30%) қиз болалар.

Боланинг тузалишида беморнинг касалхонага ётқизилиш муддати муҳим аҳамиятга эга. Анамнездан аниқланишича, БОҚБ билан беморлар стационар даволанишга бирмунча кечроқ муддатларда – 5–7 кунни ётқизилган – 24 нафар (48%). ЎОБ ва БО билан ШТПда беморлар касалликнинг 3–5 кунни ётқизилган – 74 нафар (67%) ва 96 нафар (45%) болалар мос равишда.

БО билан ШТПли беморлар оналарининг аксариятида (75,4%) ҳомиладорлик вақтида экстрагенитал касалликлар ва асоратлар кузатилган. ЎОБ билан болалар оналарида (43,6%) ҳомиладорликнинг тушиш хавфи энг юқори бўлди. 32–40,0% ҳолатда барча кузатув гуруҳларидаги оналарнинг ҳомиладорлик ва лактация даврида облигат аллергенларни кўп истеъмол қилганлиги аниқланган. БО билан ШТП беморлар гуруҳида анамнезда 76,4% ҳолатда туғруқнинг патологик кечганлиги қайд этилган.

ЎОБ бўлган болалар гуруҳида ота-оналарнинг оғирлашган аллергик ирсияти 43,6% ҳолатда аниқланди: она томонидан – 12,7%, ота томонидан – 25,4%. Демак, мазкур гуруҳдаги оталарда аллергик анамнезнинг оғирлашуви икки марта кўп кузатилган. БО билан ШТП беморлар гуруҳида эса она томондан оғирлашган аллергик анамнез ота томонга нисбатан икки марта кўпроқ кузатилди. Ўрганилаётган кўрсаткичлар бўйича БОҚБ гуруҳида алоҳида фарқлар кузатилмади.

1 ёшгача бўлган болаларда овқатланиш характери кейинчалик уларнинг ўсиши ва шаклланишига таъсир кўрсатади. Гўдакнинг сунъий ва аралаш овқатланишга эрта ўтказилиши фон касалликлари (камқонлик, озикланишнинг бузилиши, рахит, аллергик диатез) ривожланишига олиб келади, улар нафақат бола организмнинг резистентлигини пасайтиради, балки аллергик сенсibiliзацияни кучайтиради. Тадқиқот жараёнида 48,2% ҳолатда ЎОБ бўлган болалар сунъий озиклантирилган, табиий озикланганлар атиги 22,7% ни ташкил қилган. БО билан ШТП беморлар гуруҳида табиий озиклантирилган болалар 38,9%, сунъий озиклантирилганлари 40,3% ни ташкил этган. БОҚБда аксарият болалар (36,0%) аралаш озиклантирилган.

ЎОБ билан болалар бўлимга тушган беморларда касалликнинг етакчи клиник белгиси – нафас етишмовчилиги. Ҳолсизлик – 62 нафар (56,4%),

иштаханинг пасайиши – 90 нафар (81,8%) беморда аниқланди. Уйқунинг бузилиши, тери қопламаларининг рангсизлиги ва нафас қисиши 100% ҳолатда қайд этилди. Бурун-лаб учбурчаги соҳаси цианози 35 нафар (31,8%) болада кузатилди. Бўлимга тушган вақтда фебрил тана ҳарорати – 21 нафар (19,1%), субфебрил – 34 нафар (30,9%) беморда кузатилди. 90 нафар (81,8%) беморда куруқ йўтал, 20 нафар (18,2%) беморда ҳўл йўтал қайд этилди. Ўпка аускультациясида 86 нафар (78,2%) беморда дағал нафас фониди куруқ хириллашлар, 24 нафар (21,8%) беморда ҳўл хириллашлар аниқланди. Кўкрак қафаси перкуссиясида 97 нафар (88,2%) беморда қутисимон перкутор товуш эшитилди.

БО билан ШТПли барча 211 (100%) беморлардаги етакчи клиник белгилар аралаш характердаги нафас қисиши ва перорал хириллашлардир. 153 нафар (72,5%) беморда турли даражадаги ҳарорат кўтарилиши реакцияси кузатилди, 58 нафар (27,5%) болада тана ҳарорати меъёрий кўрсаткичлар доирасида. Йўтал характери 200 нафар (94,8%) беморда, асосан, нам, 11 нафар (5,2%) ҳолатда – куруқ. Бурун-лаб учбурчаги соҳаси цианози кўринишидаги гипоксия белгилари 157 нафар (74,4%) беморда, қолган болаларда цианоз бола йиғлаганда, нотинч бўлган ҳолатларда юзага келди. Ўпкадаги перкутор ўзгаришлар 177 нафар (83,9%) ҳолатда ўпка товушининг қисқариши кўринишида локал характерга эга бўлди, 160 нафар (75,8%) беморда бронхиал обструкция учун хос бўлган қутисимон перкутор товуш эшитилди.

БО билан ШТПли 182 (86,3%) беморда аускултацияда қаттиқ нафас фониди турли калибрли ҳўл хириллашлар эшитилди. Куруқ хириллашлар 208 нафар (98,6%) беморда қайд этилди.

БОҚБнинг зўрайиши ўткир бошланиши, йўтал, бошида куруқ – 46 нафар (92,0%), кейинчалик нам – 4 нафар (8,0%) билан характерланди. Куруқ йўтал дастлаб тунги вақтларда хуруж характерига эга, даволашнинг 5–6 суткасида нам ҳолатга ўзгаради. Бурун-лаб учбурчаги цианози – 12 нафар (24,0%), тери қопламаларининг куруқлиги – 36 нафар (72,0%) беморда аниқланди. Аускультация белгилари турли-туман бўлиб, асосан, бронхлар шиллик пардаларининг жароҳатланиш даражасига боғлиқ бўлди. Куруқ хириллашлар 6 нафар (12,0%), ҳўл ўтувчи хириллашлар 44 нафар (88,0%) болада кузатилди. ЎОБ ва БО билан ШТПли беморларда куруқ йўтал узокроқ чўзилди. Нам йўтал БО билан ШТПли беморларда кўпроқ ушланди ва БОҚБ билан беморлар гуруҳидан ишонарли фарқ қилди.

ЎОБли беморларда бурун-лаб учбурчаги цианози кўринишидаги гипоксия белгилари $2,3 \pm 0,8$ сутка, БО билан ШТПли болаларда цианоз – $5,6 \pm 0,3$ сутка, БОҚБли беморларда мазкур кўрсаткич $3,4 \pm 0,3$ суткани ташкил этди. Перорал хириллашлар ШТПли беморларда узокроқ муддат сақланиб, давомийлиги $5,0 \pm 0,2$ кунни ташкил этди ва бу БОҚБли беморлар кўрсаткичидан ишонарли фарқ қилди ($3,4 \pm 0,3$). Қутисимон перкутор товуш БО билан ШТПли беморларда кўпроқ муддат сақланиб, $7,8 \pm 0,7$ суткани ташкил этди ва БОҚБли беморлар кўрсаткичларидан ишонарли юқори бўлди ($5,7 \pm 0,4$ сутка).

Аускультацияда дағал нафас олиш давомийлиги ўткир пневмония бўлган беморларда мос равишда $11,2 \pm 0,3$ суткани ташкил этди ва БОҚБ бўлган

беморлардан ишончли узоқ давом этди ($8,9 \pm 0,4$ сутка). Турли калибрдаги хўл ва куруқ хириллашлар БО билан ШТПли болаларда қолган гуруҳ беморларига нисбатан анча узоқ вақт эшитилди.

Рентгенологик текширувда ЎОБ билан 100% беморларда ўпка тўқимасининг эмфиземаси, бронх-томир расмининг кучайиши аниқланди.

БО билан ШТПли беморларда ўпканинг рентгенологик манзараси ундаги патологик ўзгаришларнинг ривожланганлик даражасига боғлиқ. БОҚБли 100% беморларнинг рентгенологик текширувларида бронхиал обструкция белгилари – ўпка тўқимасининг шиши, унинг тиниқлигини ошиши, қовурғаларнинг горизонтал жойлашуви, қовурғалараро ораликнинг кенгайиши, диафрагма гумбазининг яссиллашуви ва паст жойлашиши аниқланди.

Шундай қилиб, учала текширув гуруҳидаги клиник кузатишлар натижалари таққосланганда БО билан ШТПли беморларда нафас қисиши, перорал хириллашлар, хўл йўтал, ўпкадаги куруқ ва хўл хириллашларнинг узоқ давом этишини кўрсатди. Барча гуруҳ беморлари рентгенограммасида, одатда, бронхиал обструкция синдроми учун хос бўлган қовурғаларнинг горизонтал жойлашиши билан ўпканинг эмфиземасимон кенгайиши аниқланди. Шуни қайд этиш лозимки, бронхиал обструкция билан кечувчи бронх-ўпка патологияси билан барча болалар учун пери- ва интранатал даврларнинг нохуш кечиши, ирсий оғирлашган преморбид фон хос бўлиб, у касалликнинг ёмон кечишини таъминловчи иммун тизимининг функционал етишмовчилигига олиб келиши мумкин. Шунингдек, ҳомиладорлик ва лактация даврида онанинг овқатланишининг ўзига хослиги, болани аралаш ва сунъий озиклантиришга эрта ўтилиши, болада аллергик диатез белгиларининг мавжудлиги муҳим аҳамиятга эга.

Қон зардобини текшириш натижаларига кўра кальций миқдори барча текширилаётган гуруҳлардаги беморларда соғлом гуруҳдаги болаларга нисбатан сезиларли даражада камайиши кузатилди. Ионланган кальций миқдори ҳам ЎОБ, БО билан ШТП, БОҚБ бўлган барча гуруҳларда назоратга нисбатан 15,6%, 27,2%, 25% га камайганлиги қайд этилди. Олинган натижалар БО билан кечувчи БЎП бўлган беморларда яққол гипокальцемиядан дарак беради.

Тадқиқот давомида умумий ва ионланган кальций ҳамда кальцийни тартибга солувчи гормонлар орасида ўзаро боғлиқлик аниқланди: $Ca_{\text{умум}}$ ва ПТГ ($r = -0,474$, $p < 0,01$), $Ca_{\text{умум}}$ ва КТ ($r = -0,350$, $p < 0,01$), Ca^{2+} ва КТ ($r = -0,594$, $p < 0,01$). Ижобий корреляциянинг юқори даражаси ПТГ ва Ca^{2+} ўртасида аниқланди ($r = 0,568$, $p < 0,01$).

БО кечувчи БЎПнинг яққол намоён бўлиши беморларнинг барчасида лимфоцитлар суспензиясида липопероксидация маҳсулотларининг йиғилиши ҳамда оксидловчи стресси билан бирга кечди. ЎОБ авж олган даврида МДА миқдорининг назоратга нисбатан 1,5 баробардан $4,4 \pm 0,4$ нм/мл гача ($p < 0,05$) ва ДК 1,8 баробардан $2,0 \pm 0,06$ нмол/мл гача ($p < 0,01$) ошиши кузатилди. БО билан ШТПбўлган беморларда ДК миқдорининг 2,8 баробардан $3,1 \pm 0,04$ нмол/мл гача ва МДА 3 баробардан $8,7 \pm 0,3$ нмол/мл гача меъёрдан ошиши кузатилади ($p < 0,001$).

Шундай қилиб, БО билан БЎП касаллиги кечиши клиник-лаборатор тадқиқ этилганда шу нарса аниқ бўлдики, туғма патология билан туғилган, ота-онасидан оғирлашган аллергик анамнезлар ўтган, сунъий ва аралаш озиклантиришда бўлган

болаларда БО БЎПнинг асосий клиник кўринишлари билан бирикади. БЎП кўринишлари БО билан бирикканда юқори интенсивлик ва давомийлик кузатилади, гипокальцемия фонида ривожланади ва ачиш стресси билан бирга кечади. Бунда лимфоцитлар суспензиясида липопероксидация оралик ҳамда охириги маҳсулотларининг йиғилиши иммунокомпент ҳужайраларда мембранодеструктив жараёнларга ишора қилади ва бу бронхиал обструкция қайта ривожланиш хавфи ҳамда иммунореактивликнинг бузилишига замин яратади.

Диссертациянинг «**Бронхиал обструкция билан кечувчи бронх-ўпка патологияси мавжуд болаларнинг иммунологик хусусиятлари**» деб номланган тўртинчи бобида бронхиал обструкция билан кечувчи бронх-ўпка патологиясида болалардаги иммунитет кўрсаткичлари ўзгаришининг ўзига хос хусусиятлари келтирилган.

Олинган маълумотларга асосан БО билан БЎП бемор боланинг иммун тизимидаги маълум ўзгаришлар билан кечади. Касалликнинг ўткирлашувида $CD4^+$ – ва $CD8^+$ – лимфоцитлар ҳисобига $CD3^+$ – лимфоцитлар миқдорининг пасайиши, $CD16^+$ – лимфоцитларининг камайиши ва $CD20^+$ – лимфоцитлар миқдорининг ошиши қайд этилди. $CD3^+$ – лимфоцитларнинг энг кўп камайиши БОҚБ билан болалар гуруҳида кузатилди ва уларда иммун регуляцияси индекси (ИРИ) $3,4 \pm 0,02$ ни ташкил этди; ушбу кўрсаткич БОҚБли болаларда бирмунча юқори – $2,9 \pm 0,04$ гача, бу пайтда БЎПли беморларда меъерий чегерада бўлди ($1,9 \pm 0,09$). Табиий киллер ҳужайралар миқдори қиёсий ўрганилганда БО да ЎОБли беморларда қуйидагилар кузатилди: ЎОБ билан болаларда мазкур кўрсаткичнинг ишонарсиз кўпайиши ($12,8 \pm 0,4\%$), БО билан ШТПли беморларда ишонарли ($17,5 \pm 0,3\%$) ошиши ($p < 0,001$) ва БОҚБли болаларда ишонарли камайиши ($p < 0,001$) аниқланди ($6,3 \pm 0,2\%$).

Обструкциянинг қайталаниши дастлабки обструкция маълумотларига нисбатан ҳужайравий иммунитет ($CD3^+$, $CD4^+$, $CD8^+$, $CD16^+$) кўрсаткичларининг ишончли пасайиши билан характерланади. Бунда лимфоцитлар суспензиясида МДА ва ДК концентрацияси дастлабки обструкция кўрсаткичларига нисбатан ишончли юқори бўлган ($p < 0,05$). Т-лимфоцитлар субпопуляцияси миқдорининг камайиши уларнинг шикастланиши ва оксидловчи стресси натижасида функционал фаоллигининг бузилиши билан боғлиқлиги тахмин қилинди. Ушбу тахмин S.Raghavan et al. (2012) маълумотларига мувофиқ келади. Унга кўра МДА генлар экспрессиясини ўзгартира бориб ва С протеинкиназлар сигнал йўллари таъсир кўрсата бориб ҳамда p38 MAPK митогенфаоллаштирувчи протеинкиназлар лимфоцитлар цитокин профилида ўзгаришларни чақиради. Ушбу ҳолат тадқиқот жараёнида тасдиқланган. Барча кузатилаётган гуруҳларда обструкциянинг яққол намоён бўлиш босқичида IL-1 β кўтарилиши аниқланди (1-жадвал), бироқ ШТП билан болаларда анча юқори кўрсаткичлар кузатилиб, соғлом болалар кўрсаткичидан 5,4 баробар юқорини ташкил этди.

Меъерга қиёсланганда IL-1 β даражаси БОҚБда 2,3 баробар ва ЎОБда 2,4 баробар ўсди, яъни бронхитда ушбу кўрсаткичларнинг яққол намоён бўлиши амалий бир хил бўлди. БО билан ШТП бўлган болаларда IL-1 β нинг максимал концентрацияси бронхиал ўтказувчанлик бузилиши билан бирмунча яққол намоён бўлувчи обструкциядан далолат беради ва бу ҳолат

кўпроқ аллергияга мойил болаларда кузатилади. Қонда IL-1 β нинг сезиларли кўтарилган ҳолда сақланиши бронхиал ўтказувчанлик бузилиш хавфи ривожланишидан дарак беради. БОнинг яққол намоён бўлиш босқичида БЎПли беморларда IL-1 β нинг керагидан ортиқ тизимли тўпланиши IL-1 β синтези тизимли ўткир фазали жавобнинг ривожланишида масъул жараён ҳисобланади.

1-жадвал

Қайталанувчи БО билан БЎПли беморларда интерлейкинлар даражаси

Кўрсаткичлар	Соғлом болалар	ЎОБли беморлар (n=110)	БО билан ШТПли беморлар (n=211)	БОҚБли беморлар (n=50)
IL-1 β	52,4 \pm 3,5	125,8 \pm 5,7***	286 \pm 10,7***^^^	118,5 \pm 21,2**
		78,6 \pm 5,4***^^^	172,9 \pm 9,3***	89,1 \pm 7,6***
IL-4	35,1 \pm 2,7	114,5 \pm 3,1***	117,3 \pm 5,2***^^^	157,3 \pm 3,8***
		172,0 \pm 8,7***^^^	157,9 \pm 6,5***	273,8 \pm 14,7***^^^

Изоҳ: суратда – дастлабки обструкцияда, махражда – қайталанган обструкция вақтида;
* – соғлом болалар маълумотларига нисбатан аҳамиятли фарқи (** – p<0,01, *** – p<0,001), ^ – дастлабки ва қайталанган обструкция орасидаги аҳамиятли фарк (^^^ – p<0,001).

Тадқиқот натижаларига кўра БО билан БЎПли беморларнинг барча гуруҳларида ИЛ-4нинг ўсиши рўй беради, аммо ушбу ҳолат БОҚБ ли беморларда яққолроқ кўзга ташланади. Агар ўткир жарёнли – ЎОБ, БО билан ШТПли беморлар қон зардобиди ИЛ-4 миқдори мос равишда 3,2 ва 3,3 марта кўп бўлса, БОҚБда мазкур кўрсаткич 4,5 баробар юқори. Бунда БО билан ШТПли беморларда иммун жавоб, асосан, Th-1 турида ривожланади, бу эса ўпка тўқимасида инфекциян яллиғланиш ўчоғининг шаклланишида етакчи ўрин ўйнаши ҳақида тахмин қилиш имконини беради. Шамоллашга қарши интерлейкин-4 цитокинининг бирмунча сезиларли кўтарилиши БОли ШТПда ва, асосан, БОҚБ да яллиғланиш олди билан қиёсланганда Th-2 кўпчилиқни ташкил қилиши билан гуморал иммун жавобга масъул иммун жавобнинг ўзгаришини кўрсатади. Тадқиқот натижалари индивидуал таҳлил қилинганда қизиқ маълумотлар олинди: ИЛ-4нинг энг юқори қийматлари БО билан ШТП ва БОҚБнинг оғир шакллари мавжуд болаларда қайд этилди.

IL-1 β яллиғланиш олди цитокинининг миқдори қайта обструкция вақтида барча гуруҳ беморларида пасайиш тенденциясига эга бўлди, лекин меъёр қийматларига нисбатан ЎОБда 1,5 марта, БО билан ШТПда 3,3 марта ва БОҚБда 1,7 марта юқори бўлди. Яллиғланишга қарши IL-4 цитокини миқдорини таҳлил қилиб, қарама-қарши тенденцияни, яъни мазкур кўрсаткичнинг олдинги обструкцияга нисбатан ишонарли ошиши аниқланди. Бинобарин, IL-4 миқдори меъёр кўрсаткичларидан ишонарли фарқ қилишда давом этди: ЎОБда – 4,9 марта, БО билан ШТПда – 4,5 марта ва БОҚБда – 7,8 марта. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, БОнинг ривожланиш патогенезида цитокин тизимидаги номуносивлик аҳамиятга эга, БОнинг қайталаниш ҳолатларида IL-4 яллиғланишга қарши цитокини асосий роль ўйнайди. Р.М.Хаитов ва бошқ. (2009) цитокинлар индукцияси механизмини

хужайра сигналлини бузилиши ва кислороднинг фаол шакли маҳсулотлари ўсиши билан боғлайди ҳамда ушбу ҳолат тадқиқотда лимфоцитлар суспензиясида МДАнинг кўтарилишини аниқлаш орқали ўз тасдиғини топди.

Шуни айтиш керакки, обструкциянинг қайталаниш вақтида CD16⁺ хужайралари миқдорининг тезкор камайиши кузатилади ва бу иммун жавоб тартибининг бузилишига олиб келади. БОҚБли беморларда хужайравий иммунитет томонидан бирмунча яққол бузилишлар қайд этилди.

Текширилган беморларда гуморал иммунитет ўрганилганда шу нарса аниқ бўлдики, ЎОБ, БО билан ШТП, ва БОҚБли беморларда касаллик клиник намоён бўлишининг авжида қонда IgM ва G иммуноглобулинлари концентрациясининг турлича йўналтирилган ўзгаришлари ишончли ($p < 0,001$) кўтарилганда IgA даражаси ишончли ($p < 0,001$) камайган. Кўрсатилган кўрсаткичлардан энг кўп ўзгаришлар БОҚБли беморлар гуруҳида аниқланди (2-жадвал).

2-жадвал

Дастлабки ва қайталанган обструкцияларда бронх-ўпка патологияли беморларнинг гуморал иммунитет кўрсаткичлари ($M \pm m$)

Кўрсаткичлар	Амалий соғлом	ЎОБ		
		Дастлабки обструкция	Қайталанган обструкция	
IgA, мг%	107,9±3,6	92,4±4,0**	177,0±9,1***^^^	
IgG, мг%	938,3±17,6	905,5±19,1	980,0±22,3^	
IgM, мг%	90,7±2,8	124,1±3,2***	192,0±4,1***^^^	
